

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАНИЕВ ШАХОБ РАБИМКУЛОВИЧ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК
РЕЖИМИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Ғаниев Шаҳоб Рабимкулович

Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёларининг гидрологик режими, сув ресурслари
ва улардан самарали фойдаланиш.....3

Ғаниев Шаҳоб Рабимкулович

Гидрологический режим, водные ресурсы рек бассейна Среднего
Зеравшана и их рациональное использование.....21

Ganiev Shahob Rabimkulovich

Hydrological regime, water resources of the rivers of the Middle Zeravshan
basin and their rational use.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАНИЕВ ШАХОБ РАБИМКУЛОВИЧ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК
РЕЖИМИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

География фаълари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маълумамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr103 ракам билан руйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фаълари доктори, профессор

Расмий ошнONENTлар:

Мурадов Шухрат Одилович
техника фаълари доктори, профессор

Салимова Барно Джалаловна
техника фаълари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019 Gr.47.01 раками Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» *№9806* савт 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ *216* раками билан руйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунин тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ раками реестр баённомаси).



[Signature]
Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

[Signature]
Б.Э.Нитонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.и.

[Signature]
Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқлим илиши ва антропоген омил таъсирида сув ресурслари ҳам миқдор, ҳам сифат жаҳатидан кескин салбий ўзгаришларга учрамоқда. Бу ҳолат, айниқса арид минтақаларда йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу борада БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидаги маърузасида «Сув жамиятнинг барча бўғинлари, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун зарурдир. Охирги юз йилликда сув истеъмоли ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сонининг ўсишидан икки баравар юқори бўлди...»¹, деб таъкидланган. Бу ҳолат арид минтақалардаги дарёлар гидрологик режимини ўрганиш, иқлим ўзгариши шароитида улар сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Дунёда арид минтақаларнинг тоғолди ва тоғли ҳудудларидаги дарёлар гидрологик режимини ўрганиш, улар оқими миқдорларининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги ҳамда йил давомида сув режими фазалари, мавсумлар, йил фасллари ва ойлар бўйича тақсимланиши масалаларига йўналтирилган тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, дарёлар сув ресурсларини ҳозирги иқлим илиши шароитида миқдорий баҳолаш, уларни ҳисоблаш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштириш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирмоқда. Мазкур масалаларнинг ижобий ечимлари иқтисодиётнинг сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчи барча тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳар бир маъмурий ҳудуднинг маҳаллий сув ресурсларини аниқ ҳисобга олиш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»даги ПФ-60-сон Фармонида «Сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»² юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистондаги кичик дарёлар ва сойлар сув ресурсларини ичимлик сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, яйловларни сувлантириш ва бошқа мақсадларда миқдорий баҳолаш ҳамда бу жараёнда қўлланиладиган усулларни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-

¹ Доклад ООН о целях в области устойчивого развития, 2021 год. Цель 6. Чистая вода и санитария. <https://unstats.un.org/sdgs/report/2021>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://Lex.uz>.

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон, 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолини ичимлик сув билан таъминланганлиги даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5853-сон, 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-145-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг арид минтақаларидаги дарёлар сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омиллари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари L.Alfieri, B.Bisselink, F.Dottori, G.Naumann, K.Wyser, Ya.Kong, Z.Pang, A.Al-Alsheikh каби узоқ чет эллик олимлар томонидан тадқиқ этилган. Собиқ Игтифок ва МДХ мамлакатлари олимларидан А.И.Воейков, В.Г.Глушков, Б.Д.Зайков, М.И.Будыко, К.П.Воскресенский, В.Г.Андреянов, Л.А.Владимиров, И.С.Соседов, М.Н.Большаков, Е.В.Петряшова кабиларнинг тадқиқотлари тоғ дарёлари оқимининг шаклланиши ва улар гидрологик режимининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган. Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги илк тадқиқотлар Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдовлар томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик мазкур масала билан Н.Л.Корженевский, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Д.П.Соколов, Р.Машрапов, М.А.Насиров, Х.С.Сиддиқов, Г.Н.Трофимов, А.Рахматуллаев ва бошқалар шуғулланганлар. Ҳозирги кунда мазкур муаммога бағишланган изланишлар В.Е.Чуб, Ф.Ҳикматов, Л.М.Карандаева, Б.Д.Салимова, Д.Ю.Юсупова, Н.З.Сагдеев, К.Р.Рахмонов, С.А.Ҳайдаров, Д.М.Турғунов, Д.Н.Ширинбоев, Р.Р.Зияев, Н.Б.Эрлапасов кабилар томонидан олиб бормокда.

Бирок, юқорида номлари қайд этилган олимларнинг тадқиқотларида Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги кичик дарёлар ва сойларнинг гидрологик режими, сув ресурслари масалалари атрофлича ўрганилмаган. Мазкур диссертация иши иқлим илиши шароитида Ўрта Зарафшон ҳавзаси кичик дарёлари ва сойлари гидрологик режими элементларини ўрганиш, сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларини тадқиқ этишга қаратилганлиги билан юқоридаги тадқиқотлардан фарқланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф8-07 - «Тоғ геосистемаларида чўлланиш жараёнини таянч-тажриба учаскалар ёрдамида ўрганиш, баҳолаш ва карталаштириш (Ғўбдинтоғ мисолида)» (2017-2018 йй.) мавзуидаги инновацион ҳамда Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-13 - «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзуидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Зарафшон ҳавзаси кичик дарёлари ва сойлари гидрологик режимини иқлим ўзгариши шароитида аниқлаш, сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўрта Зарафшон дарёлари ва сойлари ҳавзалари табиий шароитини оқим ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, гидрометеорологик ўрганилганлигини баҳолаш;

ҳавза дарёлари ва сойлари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш, дарёлар оқимини ҳисоблаш ва прогнозлашга имкон берадиган регрессия тенгламаларини тузиш;

дарёлар ва сойларнинг ўртача кўп йиллик оқим кўрсаткичларини (Q , м³/с; W , м³; M , л/с·км³; h , мм) биринчи базавий (ББИД) ҳамда жорий (ЖИД) иқлимий даврлар ва умумий ҳисоб даври (УХД) учун аниқлаш;

дарёлар ва сойлар оқимининг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигини статистик баҳолаш ҳамда уларнинг йил давомида ойлар, сув режими фазалари ва йил фасллари бўйича тақсимланишини абсолют (W , м³) ва нисбий (W , %) қийматларда баҳолаш;

Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари ва сойлари сув ресурсларини миқдорий баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта Зарафшон ҳавзасини шимол ва жанубдан ўраб турган тоғлар ёнбағирларида шаклланадиган, табиий гидрологик режимга эга бўлган кичик дарёлар ва сойлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўрта Зарафшон ҳавзаси кичик дарёлари ва сойлари гидрологик режимини ўрганиш, уларнинг сув ресурсларини гидрометеорологик омилларга ҳамда ҳавзаларнинг морфометрик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда баҳолаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик ва географик ўхшашлик, географик ва картографик умумлаштириш, замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, шунингдек, дарёлар оқимининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги ҳамда сув ресурсларини баҳолашда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

дарёлар ҳавзаларининг сув бериш имконияти уларнинг гидрографик кўрсаткичлари - бош дарё (L , км) ва ирмоқларининг (l_i , км) узунликлари,

майдонлари (F , км²), ўртача баландликлари ($H_{\text{ўрт}}$, м), дарё тармоқларининг зичлик коэффициентлари (α , км/км²)га боғлиқ ҳолда аниқланган;

ҳавза дарёларининг йиллик ва йил фаслларидаги (баҳорги, ёзги) оқимлари кўрсаткичлари - сув сарфи (Q , м³/с), оқим ҳажми (W , м³), оқим модули (M , л/с•км²), оқим қатлами (h , мм) турли иқлимий даврлар учун миқдорий баҳоланган;

ҳавза дарёлари ва сойлари оқимининг кузги-қишки, баҳорги ва йиллик ёғинлар (X , мм) миқдorigа ҳамда ҳаво ҳароратига (t , °С), шунингдек, дарёлар ҳавзаларининг морфометрик кўрсаткичларига боғлиқлиги аниқланган, уларнинг регрессия тенгламалари тузилган;

дарёлар ва сойлар оқимининг (Q , м³/с) йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги (C_v) статистик баҳоланган, йил давомида ойлар, йил фасллари ҳамда сув режими фазалари бўйича тақсимланиши аниқланган;

ҳавзада дарёлари ва сойлари сув ресурсларининг иқлим ўзгариши шароитидаги характерли (ўртача, минимал, максимал) миқдорлари аниқланган, уларни сув омборларида тўплаш ва ҳудудда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси кичик дарёлари ва сойлари гидрографик тармоқларнинг морфометрик кўрсаткичлари аниқланган ва, шу асосда, уларнинг сув бера олиш хусусиятлари баҳоланган;

ҳавза дарёлари йиллик, мавсумий, яъни баҳорги ва ёзги оқимлари кўрсаткичлари (Q , м³/с; W , м³; M , л/с•км²; h , мм) ни хариталаштириш асосида уларни тезкор миқдорий баҳолаш имкониятлари яратилган;

дарёлар ва сойлар оқими миқдорларининг иқлимий омилларга боғлиқлигини статистик баҳолаш натижасида регрессия тенгламалари тузилган ва улардан махсус гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилган;

ҳавза дарёлари ва сойлари оқим миқдорларининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги ва йил давомида тақсимланишининг турли иқлимий даврлар учун ҳисобланган қийматларини солиштириш асосида уларнинг ўзгаришлари баҳоланган;

дарёлар ва сойлар сув ресурсларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, улардан келажакда ичимлик, қишлоқ хўжалиги, коммунал-маиший ва бошқа соҳалар сув таъминотида самарали фойдаланишни ташкил этишнинг кўшимча имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) тизимида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) нинг стандарт гидрометеорологик материалларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириш, тадқиқот жараёнида улардан фойдаланишда умумий қабул қилинган усулларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг мазкур тадқиқот

йўналишидаги бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан мослиги ва тадқиқот натижаларининг тегишли соҳаларда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган асосий илмий хулосалардан, хусусан, тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсирини статистик баҳолашнинг муаллиф томонидан ишда қўлланилган усулидан келажакда бошқа ҳудудлардаги тоғ дарёлари оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни тадқиқ этишда, ўрганилмаган кичик дарёлар ва сойлар оқимини уларнинг морфометрик кўрсаткичлар бўйича аниқлашда, шунингдек, ишда олинган регрессия тенгламаларидан сув ресурсларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усуллариини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда муаллиф томонидан олинган асосий хулосалар ва улар асосида берилган тавсиялардан, дарёлар гидрологик режими элементларининг, жумладан, оқим меъёрининг, оқимнинг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлиги, йил давомида тақсимланиши ва умуман сув ресурсларининг иқлим илиши шароитидаги миқдорий ўзгаришларини баҳолашнинг такомиллаштирилган усуллариининг, сув ресурсларини мавсумлараро тақсимотини ташкил этишга қаратилган чоратадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувларнинг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрология соҳаси фанларини ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёларининг гидрологик режими, сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёларининг гидрографик кўрсаткичлари, жумладан, бош дарё (L , км) ва ирмоқларнинг (l_i , км) узунликлари, сув тўплаш майдонлари (F , км²), ўртача баландликлари ($H_{ўрт}$, м), дарё тармоқлари зичлиги (α , км/км²) нинг аниқланган қийматларидан “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Гидрографик тармоқлар” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 17 мартдаги 01-13-101-сон маълумотномаси). Натижада, Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари гидрографик тармоқларининг морфометрик кўрсаткичлари асосида, улар ҳавзаларининг сув бера олиш хусусиятларини аниқлаш имконияти яратилган;

ҳавза дарёларининг мавсумий, яъни баҳор (III-V) ва ёз (VI-VIII) фаслларидаги оқимлар кўрсаткичлари – сув сарфи (Q , м³/с), оқим ҳажми (W , м³), оқим модули (M , л/с•км²), оқим қатлами (h , мм) нинг миқдорий қийматлари “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласидаги “Баҳорда дарёлар оқимининг тақсимланиши (март-май)” ва “Ёзда дарёлар оқимининг тақсимланиши (июнь-август)”

карталарини тузишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 17 мартдаги 01-13-101-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларнинг баҳорги тўлинсув ҳамда ёзги кам сувли даврлари оқимини тезкор миқдорий баҳолашнинг кўшимча имкониятлари яратилган;

дарёлар ва сойлар оқими модулининг улар ҳавзаларининг ўртача баландлиги (Н, м) ва майдонлари (F, км²)га боғлиқлигини ифодаловчи кўп ҳадли регрессия тенгламаларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида ўрганилмаган дарёлар ва сойлар оқимини миқдорий баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 10 августдаги 01-15/1011-сон маълумотномаси). Натижада, ҳавзадаги ўрганилмаган дарёлар ва сойлар сув ресурсларининг миқдорий қийматларига аниқлик киритиш имконияти яратилган;

ҳавза дарёлари ва сойлари оқимининг (Q, м³/с) йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигини (C_v) статистик баҳолаш ва уларнинг йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланишининг миқдорий қийматларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида гидрологик йилномалар, сув кадастри маълумотномаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 10 августдаги 01-15/1011-сон маълумотномаси). Натижада, ҳавза дарёлари оқимининг йил давомида ойлар, йил фасллари ва сув режими фазалари бўйича тақсимланиши ҳақидаги гидрологик маълумотлар базаси тўлдирилган;

дарёлар ва сойлар сув ресурсларининг иқлим ўзгариши шароитидаги характерли (ўртача, минимал, максимал) миқдорий қийматларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида уларнинг турли таъминланишдаги қийматларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 10 августдаги 01-15/1011-сон маълумотномаси). Натижада, характерли йиллардаги сув ресурсларини миқдорий баҳолаш, уларни мавсумий сув омборлари ёрдамида самарали бошқаришнинг кўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан 1 та монография (хаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи** боби «**Ўрта Зарафшон ҳавзасининг табиий шароити ва гидрометеорологик ўрганилганлиги**» деб номланган. Диссертациянинг ушбу бобида Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон, яъни Ўрта Зарафшон қисмида шаклландиган дарёлар ва сойлар ҳавзаларининг табиий шароитига, жумладан географик ўрни, геологик тузилиши, рельефи, орографияси, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қопламининг ўзига хос хусусиятларига тавсиф берилган. Шунингдек, мазкур бобда Ўрта Зарафшон ҳавзасининг табиий ва антропоген гидрографик тармоқлари, гидрологик ва метеорологик ўрганилганлиги таҳлил қилиниб, улар асосида таянч гидрологик ва метеорологик кузатиш пунктларини танланган.


Тадқиқотда, тоғ дарёлари, жумладан Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити В.Г.Глушков, Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдов, Н.Л.Корженевский, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, А.Н.Важнов, М.Н.Большаков, А.М.Владимиров, И.С.Соседов, Д.П.Соколов, М.А.Насиров, Х.Сиддиқов, А.А.Абулқосимов, Л.А.Алибеков, М.И.Геткер, Б.Т.Кирста, В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, А.С.Щетинников, В.Г.Коновалов, Б.К.Царев, Л.М.Карандаева, С.А.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги таъкидлаб ўтилган. Диссертацияда Ўрта Зарафшон ҳавзаси кичик дарёлари ва сойлари оқимининг ҳосил бўлиши, улар гидрологик режимининг шаклланиши масалаларини тадқиқ этишда юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотлари натижалари фундаментал асос сифатида хизмат қилган.

Ўрта Зарафшон ҳавзасида, турли йилларда, 13 та кичик дарёлар ва сойлардаги 15 та гидрологик постларда кузатишлар олиб борилган. Ушбу гидрологик постларнинг маълумотлари таҳлил қилиниб, тадқиқотда улардан 11 та сой танлаб олинган.

Таянч дарёлардаги гидрологик постларда аниқланган узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланган ёки қисқа қаторлар узайтирилган. Шу мақсадда корреляцион таҳлил ўтказилган. Натижада ўрганилаётган ҳавзанинг жанубидаги тоғларнинг шимолий ёнбағирларида шаклландиган дарёлар учун аналог сифатида Омонқўтонсой ва шимолидаги тоғлардан жанубга қараб оқиб тушадиган сойлар учун эса Бегларсой дарёлари танлаб олинган. Ушбу дарёлар гидрологик тадқиқотларда аналог дарёларга қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб беради.

Қисқа қаторли ёки кузатишларда узилишлар бўлган дарёлар билан

Ўхшаш-аналог сифатида танлаб олинган дарёларнинг ўртача йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишлар зичлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари 26 (51%) ҳолатда $r \geq 0,90$, 16 (31,4%) ҳолатда $r = 0,80 \div 0,89$ ва 7 (13,7%) ҳолатда $r = 0,70 \div 0,79$ оралиқларда ўзгарган (1-расм).



1-расм. Аналог ва қисқа қаторли дарёлар ўртача йиллик сув сарфларининг ўзаро боғлиқлиги

Хавзада турли йилларда 20 та метеорологик пунктларда кузатишлар олиб борилган. Амалга оширилган корреляцион таҳлил натижасида улар орасидан Самарқанд ФАМС станцияси, Омонқўтон, Ургут ва Бегларсой метеорологик постлари репрезентатив пунктлар сифатида танлаб олинган.

Диссертация ишининг «**Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари оқимининг шаклланиши ва уни белгиловчи омиллар**» деб номланган **2-бобида**, дастлаб дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига табиий географик омиллар таъсири масаласи умумий ҳолда кўриб чиқилган. Сўнг Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари ва сойлари оқимининг иқлимий омиллар, жумладан, ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинларига боғлиқлиги статистик баҳоланган. Ушбу масала биринчи базавий (ББИД) ва жорий (ЖИД) иқлимий даврлар ҳамда умумий ҳисоб давр (УХД) учун тадқиқ этилган. Бобнинг якунида дарёлар оқим модулининг улар сув тўплаш ҳавзаларининг морфометрик кўрсаткичларига боғлиқлиги ўрганилган.

Тадқиқотда дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига атмосфера ёғинлари ҳамда ҳаво ҳароратининг таъсирини баҳолаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Омонқўтон метеорологик станциясида ўлчанган йиллик ёғинлар йиғиндиси ($\sum X_{й}$) иккига, яъни қишки ($\sum X_{(X-III)}$) ва ёзги ($\sum X_{(IV-VI)}$) ёғинларга ажратилган. Ёзги ҳаво ҳарорати эса Самарқанд ФАМСда кузатилган ҳаво ҳароратларининг апрель-июнь ойлари учун ўртача қиймати (\bar{t}_{IV-VI}) сифатида аниқланган.

Ҳисоблашлар Г.А.Алексеев таклиф этган объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулини қўллаш асосида бажарилган. Боғланишлар зичлигини ифодаловчи тўлиқ корреляция коэффициентлари учта ҳисоб даври (УХД, ББИД, ЖИД) учун аниқланган. Натижада ўрганилган дарёлар ва сойлар оқимининг ҳосил бўлишига қишки ёғинларнинг таъсири устувор эканлиги аниқланган.

Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари ва сойлари оқими билан иқлимий омиллар - турли фасллардаги атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати орасидаги кўп ҳадли боғланишларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари олинган. Ушбу, аниқлиги талаб даражасида бўлган ($r_0 > 0,700$), тенгламалардан махсус гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозларни амалга оширишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Диссертацияда дарёларнинг йиллик ва ойлик оқимлари билан уларнинг ҳавзаларида кузатилган атмосфера ёғинлари орасидаги боғланишлар ҳам УХД, ББИД ва ЖИДлар учун статистик баҳоланган. Ҳар бир турдаги боғланишнинг регрессия тенгламалари олинган. Ҳисоблашлар ҳар бир иқлимий давр учун, атмосфера ёғинларини йиллик, мавсумий ва ойлар бўйича ажратилган миқдорлари учун бажарилган (1-жадвал).


1-жадвал

Омонқўтонсой оқими миқдорлари(Q) билан атмосфера ёғинлари (X) орасидаги боғланишларнинг статистик кўрсаткичлари

| Т.р. | Боғланиш тури | Жуфт корреляция коэффициенти ва унинг хатолиги | | |
|------|--|--|------------------|------------------|
| | | УХД | ББИД | ЖИД |
| | | $r \pm \sigma_r$ | $r \pm \sigma_r$ | $r \pm \sigma_r$ |
| 1 | $Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{X-I}})$ | 0,864±0,022 | 0,897±0,024 | 0,889±0,026 |
| 2 | $Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{X-II}})$ | 0,632±0,052 | 0,690±0,064 | 0,709±0,061 |
| 3 | $Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{X-III}})$ | 0,791±0,033 | 0,888±0,026 | 0,807±0,043 |
| 4 | $Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{III-VI}})$ | 0,819±0,029 | 0,848±0,035 | 0,819±0,040 |
| 5 | $Q_{\text{й}} = f(\sum X_{\text{IV-VI}})$ | 0,686±0,046 | 0,714±0,060 | 0,741±0,055 |
| 6 | $Q_{\text{III}} = f(\sum X_{\text{III}})$ | 0,804±0,031 | 0,897±0,024 | 0,770±0,050 |
| 7 | $Q_{\text{IV}} = f(\sum X_{\text{IV}})$ | 0,762±0,036 | 0,895±0,024 | 0,599±0,079 |
| 8 | $Q_{\text{V}} = f(\sum X_{\text{V}})$ | 0,572±0,058 | 0,426±0,101 | 0,658±0,070 |
| 9 | $Q_{\text{VI}} = f(\sum X_{\text{VI}})$ | 0,502±0,065 | 0,268±0,114 | 0,565±0,084 |

Умумий ҳисоб даври учун жуфт корреляция коэффицентларининг энг катта қиймати ($r=0,864 \pm 0,022$) ўзгарувчиларнинг йиллик миқдорлари учун аниқланди. Унинг энг кичик қиймати ($r=0,502$) июнь ойига тўғри келган. Маълумки, бу ойда, яъни июнь ойида, Омонқўтонсойда сув сарфи кескин камаяди. Бу ҳолатни атмосфера ёғинларининг камайиши ёки умуман кузатилмаслиги билан изохлаш мумкин.

Диссертацияда гидрологик ўрганилган дарёлар ва соиларнинг оқим модуллари билан улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари (Н) ва сув тўплаш майдонлари (F) орасидаги боғланишлар таҳлил қилинган. Бунда оқим модулининг дарё ҳавзасининг ўртача баландлигига мос ҳолда ортиб бориши ва сув тўплаш майдонининг катталашиши билан, аксинча, камайиши кўрсатиб берилган (2-расм).



2-расм. Дарёлар ва сойлар оқим модулларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари ва майдонларига боғлиқлиги

Тадқиқотда $M=f(H)$ ҳамда $M=f(F)$ кўринишдаги хусусий боғланишларни умумлаштирган ҳолда, $M=f(H, F)$ кўринишдаги кўп ҳадли боғланиш зичлиги Г.А.Алексеев таклиф этган усулда статистик баҳоланган (2-жадвал).

2-жадвал

Дарёлар оқим модуллари билан улар ҳавзаларининг ўртача баландлиги ҳамда майдони орасидаги боғланишнинг статистик кўрсаткичлари

| Ковариация коэффицентлари | | | Жуфт корреляция коэффицентлари | | | Регрессия коэффицентлари | | $r_0 \pm \sigma_r$ |
|---------------------------|------------|------------|--------------------------------|----------|----------|--------------------------|---------------|--------------------|
| μ_{01} | μ_{02} | μ_{12} | r_{01} | r_{02} | r_{12} | α_{01} | α_{02} | |
| 0,656 | -0,626 | -0,573 | 0,798 | -0,761 | -0,697 | 0,521 | -0,398 | 0,848±0,093 |

Изоҳ: $r_0 \pm \sigma_r$ – тўлиқ корреляция коэффицентлари ва унинг хатолиги


Бажарилган ҳисоблашлар натижасида дарёларнинг оқим модулини улар ҳавзаларининг морфометрик кўрсаткичлари асосида аниқлаш имконини берадиган регрессия тенгламалари олинган (3-жадвал).

3-жадвал

Дарёлар оқим модулларининг улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари ҳамда майдонларига боғлиқлиги тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

| Боғланиш тури | Ҳисоб даври | Регрессия тенгламаси | $r \pm \sigma_r$ |
|---------------|-------------|--------------------------------------|-------------------|
| $M = f(H)$ | ББИД | $M = 0,0162 H_{\text{урт}} - 13,104$ | $0,786 \pm 0,077$ |
| | ЖИД | $M = 0,0187 H_{\text{урт}} - 14,53$ | $0,752 \pm 0,088$ |
| $M = f(F)$ | ББИД | $M = 103,36 F^{-0,634}$ | $0,899 \pm 0,039$ |
| | ЖИД | $M = 145,11 F^{-0,667}$ | $0,914 \pm 0,033$ |
| $M = f(H, F)$ | УХД | $M_0 = 0,521 U_1(H) - 0,398 U_2(F)$ | $0,848 \pm 0,093$ |

Маълумки, кўп ҳадли нормаллаштирилган регрессия тенгламаси оқим модулини абсолют қийматларда ифодалаш имконини бермайди. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, юқорида келтирилган тенглама асосида оқим модулини ҳисоблаш номограммаси тузилди (3-расм).



3-расм. Дарёлар оқим модулини ҳисоблаш номограммаси


Тадқиқотда Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари ва сойлари оқим модуларини ҳисоблаш номаграммасининг аниқлиги баҳоланган. Оқим модуларининг амалда кузатилган ва номограммадан аниқланган қийматлари орасидаги боғланишнинг жуфт корреляция коэффиценти $r=0,859\pm 0,053$ га тенг. Ушбу натижа эмпирик гидрологик ифодалар аниқлигига қўйиладиган талабларга тўла мос келади.

Диссертациянинг **3-боби «Ҳавза дарёлари гидрологик режими элементларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришлари»** деб номланади. Мазкур боб Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари гидрологик режими элементларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини миқдорий баҳолаш масалаларига бағишланган. Шу мақсадда, дастлаб, ўрганилаётган дарёлар оқимининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичлари турли ҳисоб даврлари (УХД, ББИД, ва ЖИД) учун аниқланган. Бажарилган ҳисоблашлар натижаларини ўзаро солиштириш асосида, улардаги миқдорий ўзгаришлар баҳоланган. Ушбу масала дарёлар оқимининг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги ҳамда йил давомида тақсимланиши мисолида ҳам кўриб чиқилган.

Диссертацияда ўртача кўп йиллик сув сарфлари миқдорларининг турли ҳисоб даврлари (ББИД, ЖИД) учун аниқланган қийматлари ўзаро солиштирилган. Масалан, бу икки давр орасидаги фарқ Омонқўтонсой (Омонқўтон қ.) $0,218 \text{ м}^3/\text{с}$ га, Бегларсойда (Янги Оқчоб қ.) эса $0,173 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг бўлган. Бу рақамлар қолган сойларга нисбатан катталиги билан ажралиб туради. Дарёларда ўртача кўп йиллик сув сарфлари ЖИДда ББИДга нисбатан ортган бўлса, фақат Тўсинсойда бу қиймат $0,11 \text{ м}^3/\text{с}$ га камайган (4-расм).

Дарёларда ўртача кўп йиллик сув сарфларининг йиллараро тебранишлари УХД учун таҳлил қилинган. Уларнинг 9 тасида ўртача йиллик сув сарфлари тебранишларининг тренд тенгламалари мусбат ишорали бўлса, қолган иккитасида эса манфий белгига эга бўлган. Белгиланган 60 йиллик ҳисоб даврида ўртача йиллик сув сарфларининг энг катта миқдордаги кўпайишлари Омонқўтонсой ($\Delta Q=0,352 \text{ м}^3/\text{с}$), Кўксаройсой ($\Delta Q=0,271 \text{ м}^3/\text{с}$), Майдонсой ($\Delta Q=0,324 \text{ м}^3/\text{с}$) ва Бегларсойга ($\Delta Q=0,304 \text{ м}^3/\text{с}$) тўғри келган. Ўртача йиллик сув сарфларининг камайиши эса Тўсинсойда ($\Delta Q=-0,103 \text{ м}^3/\text{с}$)

ва Оқтепасойда ($\Delta Q = -0,041 \text{ м}^3/\text{с}$) кузатилган.




4-расм. Дарёларнинг турли ҳисоб даврлари учун аниқланган ўртача кўп йиллик сув сарфларининг миқдорий ўзгаришлари

1 - Ургутсой-Ургут ш., 2 - Омонқўтонсой-Омонқўтон қ., 3 - Оқдарёсой-Оғалиқ қ., 4 - Сазагонсой-Сазагон қ., 5 - Тегирмонсой-Сағишман қ., 6 - Тўсунсой-қуйилиши, 7 - Оқтепасой-Оча қ., 8 - Қайрағачсой-Мавлон қ., 9 - Майдонсой-Олмаота қ., 10 - Кўксаройсой-тоғдан чиқиши, 11 - Бегларсой-Янги Оқчоб қ.

Тадқиқотда Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари йиллик оқим миқдорларининг ўзгарувчанлик - вариация коэффициентлари (C_v) турли ҳисоб даврлари учун аниқланган ва улар бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан таққосланган. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, биринчи ҳисоб даври, яъни 1961-1990 йиллар оралиғида ўзгарувчанлик коэффициентининг энг катта қиймати, В.Е. Чубдаги каби, Тегирмонсой ($C_v=1,18$) ва Кўксаройсойга ($C_v=1,02$) тўғри келган. Омонқўтонсой, Оқдарёсой ва Сазағансойлар учун аниқланган ўзгарувчанлик коэффициентларининг қийматлари нисбатан кичик бўлиб, улар $C_v=0,457 \div 0,515$ оралиқда ўзгарган. Ушбу қийматлар C_v нинг В.Е.Чуб аниқлаган натижаларидан катта фарқ қилмайди.

Диссертацияда дарёлар оқимининг йил давомида ойлар ва йил фасллари бўйича тақсимланиши масалалари ҳам кўриб чиқилган. Тадқиқотда, дастлаб ўрганилаётган дарёлар оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиши иккита иклимий давр (ББИД, ЖИД) учун аниқланган (5-расм).



5-расм. Дарёлар оқимининг ББИД ва ЖИДларда ойлар бўйича тақсимланишидаги нисбий ўзгаришлари

Ургутсойда ЖИДда тўлинсув даври оқими, у кузатилган март, апрель ва май ойларида камайган бўлса, межень давридаги барча ойларда (декабрдан ташқари) оқим миқдорлари ортган. Омонқўтонсойда эса ББИДга нисбатан

ЖИДда март-апрель ойлари оқими камайган бўлса, май ойидан бошлаб, межень даври ойларида (сентябрь-ноябрдан ташқари) оқим миқдори кўпайган.

Дарёлар оқимининг йил фасллари бўйича тақсимланишида ҳам миқдорий ўзгаришлар мавжудлиги аниқланган. Масалан, Ургутсойда баҳорги оқим ҳажми ББИДда $7,63 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ (63,3%), ЖИДда эса $7,15 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ (55,5%)га тенг бўлган, яъни камайган. Айнан шу каби ҳолат Омонқўтонсойга ҳам тегишлидир.

Барча дарёлар оқимининг катта қисми (55-72%) баҳор ойларида оқиб ўтади, ёзда эса сув кескин камайиб, дарёлар баъзан қуриб қолади. Бу ҳолат ҳавзадаги нафақат суғориладиган ерлар, балки қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотида ҳам жиддий хавф солади.

Диссертациянинг «**Ўрта Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларини баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари**» деб номланган **4-боби** ҳавзадаги кичик дарёлар ва сойларнинг сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан ҳудуд иқтисодиётининг турли тармоқларида самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган. Шу ҳолатларни назарда тутиб, диссертацияда, дастлаб, ҳудуднинг гидрометрик ўрганилган, сўнг гидрометрик ўрганилмаган кичик дарёлари ҳамда сойлари сув ресурслари баҳоланган. Бобнинг якунида ҳавзада маҳаллий сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва келажакда, тадқиқотда ўрганилган дарёлар ва сойларда кичик сув омборлари қуриб, уларнинг сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги гидрометрик ўрганилган дарёлар ва сойлар орасида йиллик оқим ҳажми бўйича Тўсунсой ($W=45,64 \cdot 10^6 \text{ м}^3$), Оқдарёсой ($31,85 \cdot 10^6 \text{ м}^3$), Кўксаройсой ($22,96 \cdot 10^6 \text{ м}^3$), Омонқўтонсой ($28,36 \cdot 10^6 \text{ м}^3$) ва Бегларсой ($18,34 \cdot 10^6 \text{ м}^3$) ажралиб туради. Оқим кўрсаткичларининг нисбий қийматлари, яъни оқим модули ва оқим қатламининг энг катта миқдорлари эса Омонқўтонсой ($M=15,56 \text{ л/с} \cdot \text{км}^2$), Ургутсой ($17,94 \text{ л/с} \cdot \text{км}^2$), Оқдарёсой ($14,24 \text{ л/с} \cdot \text{км}^2$), Сазағонсой ($13,55 \text{ л/с} \cdot \text{км}^2$) ва бошқаларга тегишлидир.

Ўрта Зарафшон ҳавзасида гидрометрик ўрганилмаган, лекин, узунлиги 10 км дан катта бўлган дарёлар ва сойлар сони 30 дан ортиқ. В.Е.Чуб уларнинг фақат 5 таси учун оқим кўрсаткичларини аниқлаган. Диссертацияда, уларга қўшимча қилиб, ҳавзадаги гидрометрик ўрганилмаган 14 та дарёлар ва сойлар саралаб олинган. Уларнинг оқим кўрсаткичлари 2-бобда келтирилган ҳисоблаш номограммасидан фойдаланилган ҳолда аниқланган (4-жадвал).

Ўрта Зарафшон ҳавзасида гидрометрик ўрганилган дарёларда 220,9 млн. м^3 , гидрометрик ўрганилмаган дарёлар ва сойларда эса 72,3 млн. м^3 сув ҳосил бўлади. Ҳар иккисини қўшиб ҳисоблаганда ҳавзада йилига ўртача 293,2 млн. м^3 ҳажмдаги сув ҳосил бўлади. Келажакда ана шу сув ресурсларидан янада самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим бўлади.

